


# Туркистон Тонги

E-mail: gazeta@turkistontongi.com



Ижтимоий-сиёсий, илмий, адабий-публицистик газета

ҚОЗОГИСТОН  
БМТнинг «ИНСОН  
ХУҚУҚЛАРИ КЕНГАШИ»  
ТАШКИЛОТИГА ҚАБУЛ  
ҚИЛИНДИ



Ушбу воқеа туркий халқларнинг кўнглини тоғдай кўтарадиган янгиликлардан бири бўлди. Зеро Марказий Осиёда ҳеч бир давлат шу пайтгача бундай даражага эришган эмас эди. Қозогистон ҳукуматининг ташки ва ички сиёсатни мұқобил ушлаб турғани, миллатлар ва динлараро мувофиқиқни амалда қўллаётгани ва Инсон ҳуқуқлари борасида ўтказаётган чора тадбирлари бу хил мақомга эришганинг белгиси сифатида кўрилмоқда. Биз Қозогистон ҳукуматининг бу олий мақом билан табриклар эканмиз, Инсон ҳуқуқлари бўйича амалга оширилаётган савоб ишларида баркамоллик тилаймиз.

КЕНТОВДА ҚУЛЛИҚДА  
УШЛАБ ТУРИЛГАН  
ФУҚАРО ОЗОД  
ЭТИЛДИ

Жанубий Қозогистон вилоятининг Кентау шаҳридаги тадбиркор томонидан олти йилдан бери қулликда тутиб келинган Ўзбекистон фуқароси озод этилди. Бу ҳақда вилоят Ички ишлар бошқармаси маълумот тарқатди. Озодликка чиққан асирнинг айтишича, «эгаси» уни одамларнинг кўзига кўрсатмасликка ҳаракат қилиб, ертўлада сақлаган. Шунингдек, мунтазам равишда полиция рейдларидан яшириб келган. Маълум бўлишича, у Жанубий Қозогистонга олти йил муқаддам беш нафар ҳамюрти билан келган. Улар кентаулик тадбиркорнинг қўлида ишлашган, бироқ меҳнатлари эвазига ҳеч қандай ҳақ ололмагач, шериклари иш излаб бошқа ёққа кетишган, уни эса тезгина кулга айлантиришган. Асирнинг исм-шарифи ошкор этилмаяпти, лекин у судгача Жанубий Қозогистонда қолиши аниқ.

“Ozodlik.org”дан

АЗИМЖОН  
АСҚАРОВДАН  
БМТга ШИКОЯТ  
АРИЗАСИ ТУШДИ

2012 йилнинг 13 ноябрида ёзилган 100 бетдан ошиқ ҳажмдаги бу аризада Азимжон Асқаров ўзининг қийноқа тутилганини, устидан ўтказилган суд адолатсиз бўлганлигини даъво қиласди. Азимжон Асқаровнинг аризасини унинг номидан Очиқ жамият институтининг Ҳуқуқий ташабbus ташкилоти ва Қирғизистондаги химоячиси Нурбек Токтакунов топширган. Эслатиб ўтамиз, асосий маркази Нью-Йоркда жойлашган Журналистларни ҳимоя қилиш қўмитаси унга Матбуот озодлиги Халқаро мукофотини беришга қарор қилган эди... Мария Яновская хабарига кўра, Азимжон Асқаров бу хабарни эшитиб йиғлаган, ўрнидан туриб сакрай бошлаган. Бир пайтлар, Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлида ҳаётининг охирги соатларигача курашиб учун онт ичганини эслаб, бу онтини яна такрорлаган...

«Фарғона» Халқаро  
ахборот агентлиги

## «ТУРКИСТОН ТОНГИ»НИГ ҲУРМАТЛИ ИХЛОСМАНДЛАРИ

Марказий Осиёдаги, хусусан, Қозогистондаги энг муҳим воқеалардан хабардор бўлишни, жараёнларни таҳлил қилиб бергувчи ўткир мақолалар, ўзбек ва қозоқ адабиётида пайдо бўлган жозибадор шеърлар, ичакузди ҳангоамалар, сиҳат-саломатлик мавзуидаги публицистика намуналарини, диний, тарбиявий мавзулардаги муҳим асарларни ўқишини истайсизми? МДҲ давлатларида ва Туркий халқлар ўтмишида юз берган тарихий воқеалар ва ҳозирда ҳам кечаетган интеграцион жараёнлар Сизни қизиқтирадими? Агар буларга қизиқсангиз ойда бир марта чиқаётган “Туркистон тонги”, “Түркістан таңы” газеталарига обуна бўлинг! Обуна барча почта бўлимларида йўлга кўйилган. Газеталаримиз индекси 64502 (“Туркистон тонги”) ва 64501. (“Түркістан таңы”) учун алоҳида. Зеро бунашрлар бир мақсадни кўзловочи, бир бирига яқин мавзуларни кўтараётган бўлсаларда алоҳида нашрлардир. Нашрларнинг обуна баҳоси арzon - 6 ойга 240, бир йилга - 480 тенге.

Унутманг, бизнинг газетамиз жиддий ва мулҳазали одамларга, бинобарин, ҳаётга чуқур қарашга ўрганган ёши катта фуқароларга, турмуш

Ушбу  
сонда:

Туркий  
халқларининг  
бугуни, эртаси ва  
ягона Туркистон  
ғояси...

2-4 бетлар.

Мардикорчилик  
машақкатлари...

2-мақола

3- бет

Қанглилар  
кимлар эди?

5-бет

Қалб амрига  
бўйсунган шоир...

6-7 бетлар

Келинг, бир  
кулишайлик

8-бет

Сизларга чуқур эҳтиром ила:  
“Туркистон тонги”, “Түркістан таңы”  
газеталари таҳририяти.

## Туркий халқларнинг бугуни, эртаси ва ягона Туркистон фояси ...



Vatandosh

Рукнимизнинг бу галги меҳмони – америкалик машҳур Ўзбек тилшунос олими, педагогика фанлари доктори, профессор Иноятулла Шахроний:

Профессор Иноятулла Шахронийнинг асарлари Афғонистондан ташқари, Покистон, Хиндистон, Эрон, АҚШ, Канада ва бошқа мамлакатларда ҳам нашр этилган

**Би-би-си: Домла, агар қарши бўлмасангиз, сухбатимизни шахсан ўзингиз “Тиллар ҳамдўстлиги” китобингизда илгари сурган саволлар билан бошласак. Сиз унда “Туркий халқлар нима учун бир-бирларидан айрича тириклил қиласптилар? Булар ўртасидаги бирлик, биродарлик, ҳамдўстликка ким, кимлар раҳна солган, деб сўрагансиз. Шу ўринда ўзингиз бунинг сабабларини нимада кўрасиз?**

**Иноятулла Шахроний:** Туркий миллатлар ҳаммаси бир бўлмасин деб, уларни қасддан турли миллатларга бўлиб юборишган. Шунинг учун ҳам мен ўз китобимда сизлар қачондир бир-бирларингиздан жудо этилган бўлсангиз ҳам, барчангизнинг қонингиз бир, тилингиз бир, деб эсларига солдимки, дарҳақиқат бир-бирларини танишса, деб. Ўзлигини унутган ҳар ким ўзининг кимлигини ҳам билмайди. Улар ўзларини алоҳида бир миллат деб ўйлашади. Билишмайдики, дунёдаги уч юз миллион инсон ҳаммасининг кони бир, бир миллат, бир халқ булар...

**Би-би-си: Лекин домла, мана ҳозир биргина Марказий Осиё давлатларини олиб қарайдиган бўлсак, уларнинг тутаётган ташки сиёсатлари бирлашишларининг ўрнига бир-бирларидан анчайин узоқлашишларига хизмат қиласпти. Бу ҳолатга қандай қарайсиз?**

**Иноятулла Шахроний:** Бу кўп ёмон ҳолат. Одам бир-биридан айри бўлса, заиф бўлиб қолади. Булар бирлашишлари керак. Менинг назарим шуки, agar имкони бўлса, туркий мамлакатлар ягона давлат остида бирлашишмаса ҳам, баъзи бир нарсаларни муштарак қилишса, масалан – пулни, иқтисодни, тижоратни, бориш-келишни.. бундан ташқари, оммавий-ахборот воситалари орасида алоқаларни йўлга кўйсалар, уларнинг бир-биirlари билан яқинлашиш имкониятлари ошади, бу – ўзларининг кучайишларига ҳам хизмат қиласди, алоқалари яхшиланади ва дўстликлари ҳам мустаҳкамланади.

**Би-би-си: Нима учун у ҳолда Марказий Осиё давлатлари бунинг афзаликларини англаб этишмаяпти?**

**Иноятулла Шахроний:** Бунинг сабаби шуки, уларнинг ҳар бири ўзларини яхши қўришади, ўз ҳукуматларини сақлашга уринишади, бошқаларни ўйлашмайди, фақат ўзим бўлай дейишиади. Ҳамма муаммо сиёсатда. Ҳозир бошқа мамлакатлар уларнинг орқаларида туриб, бир-бирларидан айришга ҳаракат қилиша япти. Дейлик, Хитой уларнинг ягона Туркистон остида бирлашишларини умуман истамайди. Бундан ташқари, ўз мустақилларини кўлга киритган айрим давлатлар хануз ўзларини танигандарни йўқ. Уларнинг бошларида ҳамон мустамлакага айланиб қолиш хавфи бор.

**Би-би-си: Ўз ўрнида, ўқувчиларимиз ҳам сизга озмунча савол йўллашмаган ва улардан аксарияти Ўзбекистондан. Жумладан, Бўстон, “Ассалому алайкум домла. Туркий халқларни Туркия остида бирлаштириш стратегиясига қандай қарайсиз”, деб сўраяпти**

**Иноятулла Шахроний:** Мен бир китобимда ҳамма турк олами араб алифбосида бўлиши лозимлиги ҳакида ёзганман. Яъни, араб алифбосида унлилар йўқ экани боис, барча лаҳжаларга мос келади. Агар лотин имлосига келсак, Туркияники бошқача, Ўзбекистонники ўзига хос, яна бириники эса, уларнидан ҳам фарқли. Мавжуд ҳолат уларнинг лаҳжаларида тафовут пайдо қилиб, астаса бир-бирларидан жудо қилдиради. Бушқа томондан, биз бир оралиқ турк тилини

олишимиз керак. Масалан, мен ўзим ўзбекман. Менинг назаримда, ё уйғурча ва ё ўзбекча туркларнинг орасида байнамилалий тил бўлиши керак. Ҳамма нашрлар ана шу тилда чоп этилсин. Амалдаги алифболарнинг зарари катта бўлган. Турклар қадимларини танишмайди. Тарихларини билмайдilar, тилларини кесиб ташлагандек бир нарса бўлган.

**Би-би-си: Тошкентдан Ҳожиахмад эса, “Хурматли домла. Сиз нима деб ўйлайсиз, Ўзбекистон қўшни давлатлардаги Ўзбек диаспорасининг ҳозирги аҳволини ўнглаш учун нималар қилиши ёки нималарга эришиши даркор”, деб савол юбориб, жавобингиз учун олдиндан раҳмат айтиб қолибди**

**Иноятулла Шахроний:** Ўзбекистон бугун бир мустакил мамлакат. Бунинг жуда катта масъулияти бор. Чунки Ўзбекистон – бутун Туркистоннинг маркази саналади. Ўзбекистон энг аввало алифбосини ўз гартириши керак. Шундагина қолган турклар улар билан қўшила олишади. Нашрлари ҳам бошқа туркларнинг руҳиятига уйғун бўлса. Тилларини ҳам ривожлантириб, ёзсалар. Булар кўп маҳдудлар. Ўзбекистон кўп фаолият қилолгани йўқ. Кўпчилик бу борада танқидий фикрда. Масалан, мен афғонистонлик ўзбекман. Аммо ҳеч вакт Ўзбекистон ҳукуматининг Афғонистон ҳаққига қилган фаолиятини кўрмаганман.

**Би-би-си: Масалан, Афғонистондаги ўзбеклар Ўзбекистондан қандай ёрдам кутишади?**

**Иноятулла Шахроний:** Масалан, иқтисод ҳақида, мактаб ҳақида, ўқитувчилар масаласида, савдо, тужжорий алоқалар ҳақида, бориш-келиш..мисол, бир ўзбек Ўзбекистонга бормоқчи бўлса, виза олиш учун бир ой югуради. Виза берса ҳам, 20 кундан зиёд кўймайди. Масалан, мен Америкадан туриб, Ўзбекистонга бормоқчи бўламан. Шунча қилсан ҳам, виза бермайди. Аммо Ўзбекистонга учаётган самолёт 300 ўринли бўлса, бор-йўғи 50 нафар йўловчиси бўлади. Агар 300 та одам борса, Ўзбекистонга 300.000 доллар олиб боради. Бу ердаги ўзбеклар Ўзбекистондаги яқинларини бориб қўриш, у ерни зиёрат қилишни исташади. Уларнинг

Ўзбекистонга бориши, қавмларини кўриш, тижорат қилишларига ижозат берилса. Айтаман дессангиз, гап кўп.

**Би-би-си: Буюк Британиядан Тимур эса, “Хорижий қўшинларнинг 2014 йилги сафарбарларлари ортидан, Жанубий Туркистон ҳалқи яна Толибон каби паштун миллатчилиги қурбонига айланиши мумкини”, деб сўраяпти**

**Иноятулла Шахроний:** Ҳақиқати шуки, толиблар қачон ҳукуматни олишмасин, бошимизга паштун волий келтиришади. Паштун ҳукуматчилини ишларидан ёки Покистондан олиб келадилар. Афғонистондаги оддий паштунлар яхшилар. Аммо юқорида тилга олиб ўтгандарим, Туркистонни умуман қабул қилишмайди. Афғонистон тарихида бизнинг Туркистонимиз Туркистони Сағир, Ўзбекистон, бу худудлар – Туркистони Кабир, деб аталган. Туркистони Сағирни улар расман тан олишмайди. Биз яшайдиган худудларни Шимолий Афғонистон деб аташди. Ёдимда бор, болалик вактимда бизларни туркистонлик, деб аташарди. Ҳукумат буни қасдан ўзгартирди. Устига устак шимол аҳолиси ҳам баҳамжихат эмас, қуроласлаҳаси ёки қудрати ҳам йўқки, ўзларини ҳимоя этишса. 11 йил илгари янги афғон ҳукумати қудратга келгач, уларнинг қуроляргларини йигиб олдилар. Генерал Абдурашид Дўстум кўп яхши иш қилдики, туркларни дунёга танитди. Авваллари Афғонистонда турк бор-йўқлигини ҳеч ким билмасди. Мен “Афғонистондаги қавмлар тарихи”, деган бир китоб ёзганман. Ўшанга асосланиб айтадиган бўлсан, турклар Афғонистонда 3.500 йил ҳукмронлик қилишган.

**Би-би-си: Тошкентдан Жасур эса, “Афғонистонда қанча ўзбеклар бор?** Уларнинг Афғонистондаги мавқеълари қандай? У ердаги Бобур авлодлари ҳақида нима биласиз?” деб савол юборибди

**Иноятулла Шахроний:** Афғонистоннинг икки қавми кўп катта. Бири турки бархол, иккичиси ҳазора. Кўпи форсча гапиришада, биз ҳазораларни ҳам турк санаймиз. Бушқа бир ўзбеклари бархол борки, нуфузлари камида етти-

саккиз миллион атрофида, деб тахмин этилади. Улар туркчани билишади ва туркчада гапиришади. Қолган бир қисми форсийзабон бўлиб кетган бўлса, яна бир қисми паштунчада гапиради, бошқалари эса, ўзларининг турк эканликларини ҳам унтиб юборишган.

**Би-би-си: Сиздаги рақамлар қайси манбаларга асосланган?**

**Иноятулла Шахроний:** Афғонистонда ҳануз ҳеч нарса расман рўйхатга олинган эмас. Ҳеч ким аниқ билмайди. Факат Ҳиротдан бошлайсиз токи қирғизлар яшовчи Помирнинг бошларигача... Миллион-миллион турклар бор. Бадаҳшоннинг 40 фоизи, Тахорнинг 75 фоизи, Кундузнинг 50-60 фоизи туркчада гапиради, мана, Мозори Шарифни биласиз, Маймана, Самангон, буларнинг ҳаммаси турклар. Қандахорда туркларимиз бор, Ҳиротда турк – туркмандаримиз бор, Кобулда, бошқа жойларда ҳам зиёд. Аммо баъзилари борган жойларидаги тилда сўзлашиб, ўзларининг турк эканликларини билишмайди, унтиб юборишган.

**Би-би-си: Домла, Жасур яна, “Афғонистондаги Бобур авлодлари ҳақида нималар биласиз”, деб қизиқкан**

**Иноятулла Шахроний:** Мен ўзим Бобурни жуда яхши биламан. У ҳақда китоблар, мақолалар ҳам ёзаяпман. Бобурнинг авлодлари Афғонистонда топилмайди. Топилса ҳам, озлар. Агар топилса, мана шу бизлармизки, Андижондан, ўшанинг қавмлариданмиз. Амакиваччалар эдикки, ўша Шайбонийхондан қочиб келдик. Бадаҳшонларда қолдик. Дарҳақиқат, Кобул Бобурийлар маркази эди. Ўзларининг уйларидек билишган. Бобурнинг қабри ҳам Кобулда. Мен ўзим ҳам бор-бор уни зиёрат қилганман. Лекин бу туркни ҳукумат уларни унча яхши дўст кўрмайди. Турк деб уларни у қадар ёқтиришмайди.

**Би-би-си: Швециядан Фирдавс эса, бир эмас учта савол юборган. Фирдавс энг аввало ўзининг афғонистонлик ўзбеклардан экани ва туркий эканлигидан фахрланишини айтиб,**

**Афғонистондаги ўзбекларнинг келиб чиқишилари ҳақида савол сўраган: “Яъни улар Амир Тимур салтанати (давоми 4-бетда)**



### ТАРИХИМИЗ БИР ЭДИ... ЭНДИЧИ?..

Қозогистонлик фуқароларнинг аксарияти, (хатто миллати ўзбек бўлганлар ҳам) динимиз, илдизларимиз бирлигини, тилимиз яқинлигини билиб турган ҳолда ҳам ўзбекистондан келгандарга паст назар билан карашларини яширмайдилар, қурилиш ёки чакана савдода ишлайдиганларга ҳам, уй хизматчиси тарзида кун кураётгандарга ҳам муносабат шу хилда. Ўзбекистондан келган, ўзбек, кораколпок, тожик миллатига мансуб фуқароларга қул сифатида караш шаклланиб булди. Баъзан Қозогистонликлар бир-биридан, <<Сенда нечта ўзбек бор? Керак бўлса мендан биттаси ёки иккитасини олақол>>, дейишади. Чимкентга яқин жойларда овқат учунгина ишлаётган, арзимаган пулга молларни боқаётган ўзбекистонлик фуқароларга дуч келасиз. Улардан аксарияти индивидуал ҳолда, айланма ўйлар орқали ўтиб, Чимкент яқинидаги овулларга келган, гоҳида ҳужжатларини йўқотиб ё олдириб кўйган бўлишади...

Қозогистонлик ўзбеклар ёки бошқа миллат вакилларига ҳам шу руҳият сингиб кетган. Корабулодаги ва Туркистондаги қурилишларда ерлик қурувчиларга бериладиган иш ҳакининг ярмига ишлатилаётган ўзбекларни кўрганман.

Россиядаги аҳвол турли жойда турли хил. Баъзи жойлардаги ҳолат Қозогистондаги ўхшаб кетади. Москва атрофида ва Самара, Рязань томонларда ўзбек диаспораси хисобланмиш фуқаролар сони ортиб бораётгани кузатилади. Москвада ва Москва атрофида иш жойи топаолганлар ҳам антисанитария хоким бўлган турли вагонларда, бараклarda яшашади, кунига 12 соатлаб ишлашади. Махаллий аҳолидан 4 соат кўпишилашига карамасдан Россия фуқароларининг маошларидан таҳминан 30-40 фоиз кам ҳақ олишади. Бунинг устига ҳозирда сонлари 3 мингдан ошиб қолганлиги айтилаётган тақирбош иркчилар вақти-вакти билан меҳнат муҳожирларига ҳужум уюстиришиб, моллари ва жонларига хавф түғдиришади. Мигрантлардан энг фаолларигина ўз жонларини саклаш учун уюшиб ҳаракат қиласидар ва босқиндан омон қолишига эришадилар. Үшмаганлар ва кам сонли гурухлар тақирбош миллатчиларга ем бўлган ҳоллари оз эмас. Шу туфайли ҳам Россияда казо топаётганлар сони кўпайиб бормокда. Ўзбекистонлик нодавлат ташкилотларниң вақиллари ўзбекистонда фермерлик ишларидаги қўштириноқ ичидаги <<ислоҳот>>лар туфайли ишсизлик янада кучайишини айтмоқдалар. Россиядаги юқорида айтилган, иркчилик билан боғлиқ қийинчиликлар туфайли меҳнат муҳожирлари эндилиқда Россия марказида эмас, чекка жойлардан иш топишга мажбур. Чекка жойларда эса муҳожирга нисбатан кам ҳақ тўлашади. Россияда Тожикистон, хатто қирғизистонликларнинг меҳнат

муҳожирларига ёрдам бергувчи жамоат ташқилотлари очилган. Ўзбекистонлик меҳнат муҳожирларининг давлат, жамоат ташкилотлари баъзи жойларда, эндигина очила бошланди. Россиялик ҳукуқ бонлар Екатринбургнинг ўзида 60 минг меҳнат муҳожири ишлаётганини айтишади. Тожик миллатига мансуб <<Тожикистон>> фонди раисаси Гавҳар Жўраеванинг айтишича, Москва ва унинг атрофидаги ўзбек мардикорлари ҳалигача обшина, яъни жамоат тузмаган. Уларда ҳамжиҳатлик, бирлик йўқ. Биронтасининг бошига иш тушса ватандошлари ёрдамга келмайди. бошқа миллатлар, тожиклар хатто кирғизларда община бор, яъни жамоат бўлиб, бир-бирларидан хабар оладилар, бир-бирларини химоя қиласидар, дейди Гавҳархоним бир маколосида. Кимлардир паспортларини олиб кўйса ёки иш ҳақини бермаса,

Миграция қоғозига “меҳмонга” деб ёздиришган. Сариоҷочлик фуқаро иш таклиф этган. 2 кун ишлашга, полиция келиб уларни текширган. Миграция қағозида <<меҳмонга>> деб ёзилгани учун уларни Қозогистонда ишлаш мумкин эмас, деб чиқариб юборишга ҳаракат қилишган. Иш берувчининг ёрдамида вактинча ишлаб қолишиган.

Россия ва Қозогистонда умр кечираётган мигрантлар бошига тушган қийинчиликларга, уларга паст назар билан қаралишига кўпчилик холларда иш берувчилар, полицияда ва расмий идораларда ишлаётган чиновниклар, айрим холларда эса, мигрантларнинг ўзлари, уларнинг қонунни билмасликлари ёки менсимасликлари ҳам сабаб бўлмоқда. Чимкентдаги <<Сана сезим>> жамот ташкилоти маълумотларидан ҳам сезилишча, меҳнат муҳожирларидан айримлари ўзларининг оддий ҳақ-

айб ишлар қилиб қўйгани учун ҳам жамоат ташқилотларининг аралашуви катта фойда бермади. Факат уларнинг паспортларини олиб беришга эришилди. Қонунни билмаган, расмийлардан кўркиб қолган меҳнат муҳожирлари муаммоларни норасмий ўйлар билан ҳал этишни авзал билишади. Ўтган йил охирларида Хоразмлик 30дан ортиқ мигрантнинг Алматининг Мухтор Аvezov туманидаги миграция полициясида гилар қаергадир ишга олиб кетаётганини кўрганман. Миграция полицияси ходимлари уларни қаерга олиб кетилаётгани сир эканлигини баён этган. Ўтган йил охирларида Астана шаҳрида қувгинга ва тазиққа учраган, иш ҳақи олаолмаган, паспортларидан айрилган хоразмлик 15 киши Сариоҷочга келиб, шу ерлик ўтказиб кўювчиларнинг <<кўмаги>>да чегарадан ўтиб олишганини эшитдик. Назаримизда, расмийларнинг мигрантларнинг ўйларига қайтишни ҳужжатлашириши кийин бўлайтгани ҳам меҳнат муҳожирларининг бу хил норасмийлар кўмагидан кўпроқ фойдаланишларига сабаб бўлмоқда. Худди шу хил воқеалар туфайли миграция полицияси ходимлари ҳар бир мигрантга потенциал жиноятчидай карашади...

### БОЖХОНАЛАРДАГИ ТАФТИШЛАР...

(2-мақола, 1-мақола газетанинг 3 сонида босилган)



жамоат аъзолари бориб иш берувчи билан ёки ҳукумат вакиллари билан гаплашиб, муаммоларни хал этаркан. Россия Федерациясида тақирбошларга йўлиқмаган, маҳаллий миграция полициясининг чириғидан ўтган аграр секторда (қишлоқ ҳўялиги ва чорвачиликда) ишлаётган меҳнат муҳожирларининг ахволигина нисбатан яхши. Масалан, Самара ҳудудида улар маҳаллий руслар ва турдиасферасининг ерларида картошка, лавлаги каби экинлар экишади. Чорва молларини боқиб сут ва гўшт етишишишади. Улар етишириган маҳсулотларининг бир қисмини давлатга топширишишади, бир қисмини бозорга олиб чиқиб сотишишади. Бу жойларда давлатга топширилаётган маҳсулотнинг баҳоси билан бозордаги баҳо кескин фарқ қиласидар. Шу туфайли ҳам, ишчи кучи арzonлигига қарамасдан, мигрантларнинг умумий ахволи ёмон эмас. Худди шу сабаблар туфайли Россиянинг аграр секторида хизмат қилаётгандардан бир қисми (айниқса хоразм вилояти мигрантлари) ўша ҳудудларда яшаб қолишига, маҳаллий аҳоли билан оила қуришга интилишмокда... Миллатимизга кулга карагандай қарашга факат иш берувчиларигина эмас, меҳнат муҳожирларининг ўзлари ҳам йўл очиб беришади. Мигрантлардан кўпчилиги, божхонадан (томожнядан) ўтаётганда <<меҳмонга>> деб ёздиришади. Бу ҳол уларни кийин ахволга солиб кўяди. Полиция: <<меҳмонга келсанг нега ишлаяпсан>>, деб ишлашига қаршилик билан боғлиқ қийинчиликлар туфайли меҳнат муҳожирлари эндилиқда Россия марказида эмас, чекка жойлардан иш топишга мажбур. Чекка жойларда эса муҳожирга нисбатан кам ҳақ тўлашади. Россияда Тожикистон, хатто қирғизистонликларнинг меҳнат

хукуқларини ҳам билмайдилар. ўзларидан ҳужжат сўраган ҳар бир расмий олдида, худди биз кўрган кинолардаги шўро аскарлари каби қалтираб-титраб туришади, уларнинг ҳар бир буйруғига сўзсиз итоат килишади. Баъзилар уларни хафталаб, ойлаб, хатто йиллаб ўз ҳўяликларида ишлатишлари мумкин. Фарғонанинг Олтиариқ туманидан бўлган ўзбекистон фуқароси (М.К.) 4 йил олдин Қозогистонга ишга келган. 1 йилдан кейин паспорти ва пулларини ўғирлатган. Буни сезиб колган расмийлардан бири уни олиб кетиб қалтаклаган. <<Сен қидиилаётганлар тоифасидансан, қамаб кўямиз>>, деб кўркитган. Сўнг бир бой қариндошиникига олиб борган ва уч йил шу ерда ойлик бермасдан қулликда ишлатишган... Майший хизматларни бажарувчи мигрантлар Санитария эпидимиология станцияси, ўт ўчириш идоралари томонидан ҳам тазикка учрайдилар. Чимкентда ишлаётган мигрантлардан учтаси СЭСдан келиб иш жойларини кўришганини, бирон камчилик топа олмагач тибиёт дафтари сўрашганини ва жаримага тортишганларини сўзлаб беришган.

Мигрантларнинг аксарияти иш берувчи билан ёзма, фуқаровий шартнома ҳам тузишмагани уларнинг ишларини янада кийинлаштиrmокда. Натижада, хатто маълум вазифани бажарган мигрант билан иш берувчи орасида иш ҳақи масаласида муаммолар келиб чиқади. Баъзи мисоллар келтирайлик. А., Л., С. Исмли сурхандарёлик йигитларни Сариоҷочда қурилиш ишларида ишлатишган. Улар иш берувчи билан шартнома тузмасликдан ташқари, ўз нафслари ва соддаликлари оқибатида иш берувчидан спиртли ичимликлар олиб беришни тез-тез илтимос қилишган, кўлларига пул тушганда қиморхоналарга бориб туришган ва табиийки, ютказишган... Натижада (тили қисик бўлиб колган меҳнат муҳожирларига) ҳовли яхши қурилмаган, деган баҳона билан паспортлари ва иш ҳақининг ярмини беришмаган. Даъвогарлар



Яна бир тенденция - меҳнат муҳоржирларидан айримлари божхона постидан ўтаётганларида, расмийлар пулларини олиб кўйишларидан кўркиб, бир қисмини деклорацияга киритишмайди. Буни сезиб қолган расмийлар тинтувтуб олиб кўпинча норасмий равишда <<штраф>>га тортишади. Масалан, Қашқадарёнинг Қамаши туманидан бўлган, Россияда (ўз оиласи билан) ишлаб пулларини болаларига бериб кетиш учун келаётган К. Ж., Сариоҷочдаги поезд бекатида тинтувга учраган ва уч минг доллари олиб кўйилган. Сариоҷоч туман фуқаролик судида маҳкамага тортишга ҳаракат килишади. шу ерлик бир киши (маблағ эвазига) кутқаришга сўз бериб, ҳаракат бошлаганини биламан. Унинг кейинги тақдирни номаълум. Ўзбекистоннинг Навоий постида корейс миллатига мансуб бир аёл Қозогистонга ёнидаги олти минг доллардан уч мингига деклорация ёзган, колганини яшириб ўтказмокчи бўлган. Натижада расмий ва ноарсмий <<штраф>> тўлашга мажбур бўлган. Кейинги пайтларда ўзбек мигрантларига паст назар билан қараш янада авж олди. Кузатувчилар буни 2010 йил июнида Жанубий Қирғизистонда бўлиб ўтган фожиалар билан боғламоқдалар...

Н. ЖУМАН

(Давоми келгуси сонларда)

## ҚАЛБ АМРИГА БҮЙСУНГАН ШОИР...

Биз “Туркистон тонги”нинг 7-сонида босилган биринчи мақоламиз (“Шеърият бонг ургандар...”)да XX асрнинг бошларида жараёнлар, хусусан, Аваз ўтар, Ҳамза, Абдулла Авлоний каби шоирлар ижодида ҳаёт ҳақиқати қай даражада акс этгани түғрисида қалам сурган эдик. 20 йиллардан кейин ҳаёт таомиллари ҳам, кишилар руҳияти ва бинобарин ижодкорлар маънавиятида ҳам муҳим ўзгаришлар юз берди...

1917 -18 йилларда ёки бошқа партияларга йўл бермай бир партиялик тизимни ўрната бошлаган В. Лениннинг ўзи ва собиқ сафдошлари, келажакда социализм қуришга халақит бериши мумкин бўлган Колчак ва Деникинлар бошқарган армияларгагина эмас, зиёлиларга ҳам турли ҳужумлар ўюстириши. Масалан, Шўро ҳукумати қурилгандан кейинги сиёсий мажлислардан бирида жазо отрядининг бошида турган Ф. Дзержинский ҳайъатда ўтирган В. Ленинга бир рўйхатда жуда кўплаб рус зиёлиларнинг исм-фамилиялари ёзилган эди. Ленин ўзи таниган ва айтидан бўлғиси душманлар деб билган юзлаб одамларнинг фамилиялари қошига +(хоч) белгисини қўйиб чиқади. ЧК бошлиғи эса шу куни + белгиси қўйилганларнинг ҳаммасини (Ленин уларни ўлимга ҳукм қилганига ишониб) оттириб юборади. Бу хил қатоғонларнинг энг катталари бизнинг Туркистонда бўлди. Маълумки, Боймирза Ҳайит айтганидек: “Большевиклар 1917 йил нояброда Тошкент шаҳрида Совет ҳокимияти режимини эълон этганидан сўнг, Туркистон миллий зиёлилари ва Русияга қарши бўлган барча иш одамлари Қўқон шаҳрида тўпландилар. 1917 йил декабрида Туркистон миллий муҳторият ҳукуматини қурдилар. Бу муҳторият Туркистоннинг туркистонликлар томонидан идора қилинишига асосланган эди... Аммо большевиклар бунга йўл қўймадилар”. Ўзлари Маркази Осиё ҳалқларига улар истаган пайтда “ажралиб чиқишларнгиз мумкин”, деб айта туриб, Туркистон муҳториятини арман дашноқлари ва ўрис аскарлари қўли билан яксон қилиши.

Ш. Шамаъдиевнинг “Фарғона водийсида фуқаролар уруши тарихига оид очерклар” китобида ҳам айтилганидек (Т., 1961. 54—60 б.) уч кун давомида Қўқон ўти ичидан қолди... Биргина Қўқоннинг ўзида 10000 дан ортиқ одам ўлдирилди. Қирғин шу билан тугагани йўқ. 1918 йилнинг биринчи ярмида Марғилонда 4500 одам ўлдирилди. Шу жараёнда 180 қишлоққа ўт қўйилди. Минглаб оиласлар хонавайрон бўлиб, бошпанасиз қолдилар... Туркистон ҳудудида ўнлаб шаҳарлар, юзлаб қишлоқлар вайрон этилди. Улари кўйдирилган, яқин қариндош-уруғлари қириб ташланган одамларнинг қайғуси на факат заминга, балки осмонга ҳам сиғмасди. Шу хил воқеалардан кейин ватанпарвар ва фидойи йигитлар тоғу тошларга чиқиб,

Мадаминбек, Эргаш, Омон палvon сингари лашкарбошилар қанотида миллий озодлик ҳаракатини бошладилар. Кўп фуқаролар Туркистон ҳудудини тарк этиб, Афғонистон, Туркияга ёки Арабистон ҳудудларига кетиши.

Шўро ҳукумати ҳаётда бўлиб ўтган бу ошкора ва яширин қирғинларни халқ қўзидан яширишга интилди. Ҳудди ўтган асрнинг 70-80 йилларида СССР ҳукумати ўз юрти учун курашган афғон муҳоҳидларини «дushman» деб атаганидай, ўз юртни қизил империядан ҳимоя қилишган бел боғлаганларни «босмачи» деб аташди ва асосий қисмини қирғин қилишибди. Оғизда Туркистонга мустақиллик берамиз, деган ленинчи ва сталинчилар амалда ўзига қарши барча кучларни “ҳоким синф вақиллари”, “миллатчилар” номи билан атаб туркий ҳалқларга қарши шафқатсиз кураш очдилар. Коллективлаштириш, колхозлаштириш даврида ҳам фожиалар кўп бўлди. Колхозлаштириш баҳонасида, асосан чорвадорлик билан шуғуланиб юрган қозоқ туркийларидан бир ярим миллиони, сунъий очарчиликдан қазо топди... Бой ҳамда ўрта ҳол фуқаролардан минглаб кишилар қулоқ қилинди. Қулоқ қилингандардан аксарияти муҳтожлик ва оғир шароитларда ҳалок бўлишибди. Туркистон ҳудудида кураш олиб борган миллий озодлик ҳаракати енгилгандан кейин зиёлилар турли яширин ўюшмалар, гурухлар ташқил этиб, қулликдан чиқиш, ҳалқни озод ва дориломон ҳаётга эриштириш ҳақида бош қотира бошладилар. XX аср бошларида ёки шаклланган, ҳалқни маърифат орқали озодликка эриштириш ғояси билан қуролангандар жадидлар ҳаракати ҳам ўз йўлида ривожлана борди. Адабиётда ғоявий-бадиий ўйғунликка эришиш, адабиёт орқали ҳаётни тадқиқ этиш, кишиларни марифат орқали озодлик курашига ўндайдиган «Чифатой гурунги»га ўхшаш ўюшмалар фаол иш олиб борди. Чўлпон, ўзи ҳам аъзо бўлган бу хил ўюшмалардан бири ҳақида гапириб:

Ўн олти марта тўпландик бизлар,  
тутқун оталарнинг эркин авлоди..

Пўлатдек пишиқлик, матонат берди,  
темир кишинларнинг даҳшатли ёди ...

Бизнинг асабимиз неча минг йиллар,

кишилар остида шу қадар пишиди,  
ки, шунча оғирлик остида асло,

шошмадик, душманлар қайрон қолишиди, —

дейдики, бу мисралар қизил империя босқинидан кейин ҳам уларга қарши фаолият олиб борган гурухлар мавжуд бўлганлигидан гувоҳлик беради. Ҳудди шу хил воқеълик вижданли ва имонли шоирлар ижодига таъсир қилмай қолмасди. Чўлпоннинг қатор шеърларида қулликка қарши кескин кураш руҳи ҳукмрон. У ўз шеъриятида

кечаю кундуз юрт озодлигини ўйлайдиган, бу йўлда тинмайдиган фаолинсон сифатида намоён бўлади. Шоир «Юпанмоқ истаги»да ўзини қандай юпатишни ҳам билмаган, юрагида олов ёнган киши сифатида намоён бўлса, «Қўзғалиш»да қулликка кўнниколмайдиган, эл фарзандларининг ҳақоратланишига чидайолмайдиган киши сифатида кўринади. У «ўша»ларга нафрат билдириб, «қўзларингни заҳарлатиб ўйнатма, кишинларинг занг босган» деб умид билан сўзлайди: «Эй, сен мени қул ўрнида ишлатувчи афанди, титра, қўрқум боғлиқ қулинг бosh кўтарди, куч энди», деб мардона оҳангда гапиради. Бу оҳанг, бу руҳ киши дилида ғурур ва ишонч ўйғотади. «Ҳалқ» худди шу хил истакнинг ҳосиласи ўлароқ майдонга чиқсан шеърдир. Бу шеърда элнинг озодликка эришиш программаси, таъбир жоиз бўлса шеърий дастури чизиб берилади. Қарангки, шеърнинг дастлабки олти мисрасида ҳалқнинг қудратига шеърий характеристика берилади. Ҳаммага машҳур бу мисраларда ҳалқнинг кучи ҳақида гап кетган-да, унинг қудрати, денгизлардан ҳам зўр, у исён, деб таърифланади. Кейинги олти мисрада эса ҳалқнинг истагиорзуси тўғрисида гапирилиб, «Ҳалқ истаги, озод бўлсин бу ўлка, кетсин унинг бошидаги қўланка», дейилади. Сўнгэса, “Қулоқ очиб ҳалқ ичига борайлик, бутун кучни ҳалқ ичидан олайлик”, деган фикр илгари сурилади. «Ҳалқ» туркий ўзбекка озодлик йўлини кўрсатиб бергувчи ўзига хос содда шеърий дастурдир. Бу шундай дастурки, ўқувчига ҳам ақл, ҳам руҳ беради, унинг ҳиссиятини тарбиялайди, озодликка чиқиш йўлини кўрсатади. Шуниси билан ҳам бу асар замонавий маъно касб этади.

Чўлпоннинг кўплаб, Боту, ва ёш Ойбекнинг айрим шеърларида биз, фожиалар тасвирини кўрамиз. Даҳшатли фожиалар ўз берган йилларнинг даҳшатли кўринишлари Чўлпоннинг «Бузилган ўлкага» шеърида ҳаққоний ифодаланган.

От мингандан кушлар каби учғувчи,

эркин-эркин ҳаволарни кучгувчи,

от чопганда учар қушни тутувчи,  
учар қушдай ёшигитлар қаерда?

тоғэгаси — сор бургутлар қаерда?

—(1921 йил).

Шеърда шундай муҳит тасвириланганки, унда сувлар ҳам кўз ёшлар каби оқади. Қўм-қўк ўтлоқлар, майсазорлар устида пода ҳам, йилки ҳам йўқ, ўтлар, майсалар янчилган. Қўй маъраши ўрнига йиғи овози эшишилади. «Туморчалар, ҳамойиллар тақиңган, далаларда лола барги ёпинган», «ѓўзал қизлар, ёш келинлар қаерда?!” «Қуш каби учқувчи», «учар қушни тутувчи» йигитлар қани, деб савол беради шоир... Бу саволлар остида ҳалқ ғамигина эмас, озодлик ва эркинликка чексиз ишонч ҳам

ётиби.

Ижоди Чўлпоннинг кучли таъсирида бошланган ёш Ойбекнинг «Чолғутовуши», «Фарғона оқшоми», «Айрилиқ ва дарвиш» сарлавҳали шеърларида ҳам муҳит тасвири бор. Биринчи шеърда 20-йиллар муҳити қоп-қоронғи ўрмонзорга ўхшатилади: “ўрмонзорнинг оғочлари унсиздек, маъюс бўлиб қайғуланиб турарди”, дейди шоир. Бу шундай муҳитки, ундан «хуш товуши қушчалар» (яъни яхши нияти зотлар) кетиб қолишиган. «Фарғона оқшоми» шеърида ҳам, худди «Бузилган ўлкага» (Чўлпон) шеъридаги каби муҳитнинг аҳволи хароб ва афодалиги акс эттарилади. Шоир чизган манзарада тоғлар унсиз, кенг боғлар бўм-бўш, харобалар, вайроналар кўзга ташланади. Бу ҳолни кўрган лирик қаҳрамон ғамгин: у «ичдан сирли йиғлайди». Юқорида саналган учинчи шеърдаги муҳит тасвири янада фожиали. Қўкламнинг гуллари... тез сўлмиш, нашъали боғчалар ҳазонга тўлмиш. Чўлпон ва Ойбек шеърларида тасвирлар моҳият-эътибори билан 20-йиллардаги Туркистон ҳаётини тўғри ифодалайди.

Чўлпон, Боту, Ойбек шеърларида маълум яқинликлар бўлса-да уларнинг ижод йўллари, таржимаи ҳоллари каби ранг-баранг. Ботунинг таржимаи ҳоли, турмуш тарзи, тор маънодаги ўсан муҳити Чўлпондан ўзгача эди. Қарол — тўқувчи оиласида камолга етиб шу қулликка мактаби, саккиз ойлик муаллимлар курсини битирган, комсомол фаоли бўлиб, турли комиссияларда ишлаган Боту рус қизига йўланади. 1927 йилда эса, аввал Масковдаги рабфакда, сўнг Масков давлатдорилғунунинг иктисад факультетида ўқиди. Шоир тарғиботи ва маркса-ленинча «килм»ларни обдан ўрганади. Унинг таржимаи ҳолидаги бу белгилар озми-кўпми ижодига ҳам таъсир қила бошлади. Боту шу қулликка мактаби, саккиз ойлик муаллимлар курсини битирган, комсомол фаоли бўлиб, турли комиссияларда ишлаган Боту рус қизига йўланади. 1927 йилда эса, аввал Масковдаги рабфакда, сўнг Масков давлатдорилғунунинг иктисад факультетида ўқиди. Шоир тарғиботи ва маркса-ленинча «килм»ларни обдан ўрганади. Унинг таржимаи ҳолидаги бу белгилар озми-кўпми ижодига ҳам таъсир қила бошлади. Боту шу қулликка мактаби, саккиз ойлик муаллимлар курсини битирган, комсомол фаоли бўлиб, турли комиссияларда ишлаган Боту рус қизига йўланади. 1927 йилда эса, аввал Масковдаги рабфакда, сўнг Масков давлатдорилғунунинг иктисад факультетида ўқиди. Шоир тарғиботи ва маркса-ленинча «килм»ларни обдан ўрганади. Унинг таржимаи ҳолидаги бу белгилар озми-кўпми ижодига ҳам таъсир қила бошлади. Боту шу қулликка мактаби, саккиз ойлик муаллимлар курсини битирган, комсомол фаоли бўлиб, турли комиссияларда ишлаган Боту рус қизига йўланади. 1927 йилда эса, аввал Масковдаги рабфакда, сўнг Масков давлатдорилғунунинг иктисад факультетида ўқиди. Шоир тарғиботи ва маркса-ленинча «килм»ларни обдан ўрганади. Унинг таржимаи ҳолидаги бу белгилар озми-кўпми ижодига ҳам таъсир қила бошлади. Боту шу қулликка мактаби, саккиз ойлик муаллимлар курсини битирган, комсомол фаоли бўлиб, турли комиссияларда ишлаган Боту рус қизига йўланади. 1927 йилда эса, аввал Масковдаги рабфакда, сўнг Масков давлатдорилғунунинг иктисад факультетида ўқиди. Шоир тарғиботи ва маркса-ленинча «килм»ларни обдан ўрганади. Унинг таржимаи ҳолидаги бу белгилар озми-кўпми ижодига ҳам таъсир қила бошлади. Боту шу қулликка мактаби, саккиз ойлик муаллимлар курсини битирган, комсомол фаоли бўлиб, турли комиссияларда ишлаган Боту рус қизига йўланади. 1927 йилда эса, аввал Масковдаги рабфакда, сўнг Масков давлатдорилғунунинг иктисад факультетида ўқиди. Шоир тарғиботи ва маркса-ленинча «килм»ларни обдан ўрганади. Унинг таржимаи ҳолидаги бу белгилар озми-кўпми ижодига ҳам таъсир қила бошлади. Боту шу қулликка мактаби, саккиз ойлик муаллимлар курсини битирган, комсомол фаоли бўлиб, турли комиссияларда ишлаган Боту рус қизига йўланади. 1927 йилда эса, аввал Масковдаги рабфакда, сўнг Масков давлатдорилғунунинг иктисад факультетида ўқиди. Шоир тарғиботи ва маркса-ленинча «килм»ларни обдан ўрганади. Унинг таржимаи ҳолидаги бу белгилар озми-кўпми ижодига ҳам таъсир қила бошлади. Боту шу қулликка мактаби, саккиз ойлик муаллимлар курсини битирган, комсомол фаоли бўлиб, турли комиссияларда ишлаган Боту рус қизига йўланади. 1927 йилда эса, аввал Масковдаги рабфакда, сўнг Масков давлатдорилғунунинг иктисад факультетида ўқиди. Шоир тарғиботи ва маркса-ленинча «килм»ларни обдан ўрганади. Унинг таржимаи ҳолидаги бу белгилар озми-кўпми ижодига ҳам таъсир қила бошлади. Боту шу қулликка мактаби, саккиз ойлик муаллимлар курсини битирган, комсомол фаоли бўлиб, турли комиссияларда ишлаган Боту рус қизига йўланади. 1927 йилда эса, аввал Масковдаги рабфакда, сўнг Масков давлатдорилғунунинг иктисад факультетида ўқиди. Шоир тарғиботи ва маркса-ленинча «килм»ларни обдан ўрганади. Унинг таржимаи ҳолидаги бу белгилар озми-кўпми ижодига ҳам таъсир қила бошлади. Боту шу қулликка мактаби,

## ҚАЛБ АМРИГА БҮЙСУНГАН ШОИР...

Ойбек 20-йиллар бошида миллат фидойларининг фаолиятлари, орзу-үйлари, билан оз бўлса-да таниш эди, уларга хайрихоҳлик билан қарабди. Жумладан, «Айрилиқ ва дарвиш» шеъри ҳар қандай қаршиликларга қарамасдан, мұхитта бўйсунмаган: гуллари сўлган, боғчалари ҳазонга юз тутган, қуёши сўнган дарвишлар ҳақида ёзади:

Дарвешнинг кўзлари қонли ёш сочар,  
Рухи ҳеч кулмайдир... доим нолакор.

Бу мисралар айнан Чўлпонга нисбатан айтилгандай туюлади. Зеро ўша пайтлари ҳақиқатан ҳам Чўлпон қаҳрамони кўзидан қонли ёшлар оқаётган, асосан олган-да, нолакор оҳангларда кўйлаётган эди. Ойбекнинг Чўлпон типидаги миллий шоирларга мұхаббати, самимияти «Булоқ» шеърида ҳам сезилади. Бу асарда Булоқнинг сифатлари,

унинг тошқинлиги, шошқинлиги, тошлар билан кураша олиши айтилиб: «Тўлқинли сенда исён, тошурсан телба ҳар ён» дейилади. Бу ерда «телба» ижобий маънода, дарвешлик, бўйсунмаслик маъносидан ишлатилади. Шоирнинг Булоқа мұхаббати — зўргили охиргисатрларда кўпроқ, аён бўлади:

Шеърингга тўёлмадим,

Кўксингда яшомладим.

Сен тошиб йўлга тушдинг,

Мен ғариб боролмадим.

Шоир гарчи очиқ айтмаган бўлса-да, Булоқ аниқ бир кишига (Чўлпонга) бағишлиганлиги сезилиб турибди. Ойбек қаҳрамони ўзини ғариб, ожиз сезяпти, сенинг йўлинг тўғри, эдию, «изингдан боролмадим», доб нола чекяпти. Бинобарин, Ойбек дастлабки

шеърлари билан миллийлик томонда турди, ҳалқ озодлиги ғоясини қўллаб-куватлади. Аммо кейинчалик Шўро университетининг имжитимой фанлар факультетида таълим олди. Бу жараёнда охир-оқибат тиллар на миллатлар бирлашиб кетишини «илмий» асослаб берган марксчаленинча асарларни ўрганди. Ҳаёт оқими, тарғибот ва ташвиқот, шўро ҳукуматининг гоҳ бевосита, гоҳ билвосита таъсири остида миллий йўлдан синфий йўлга ўтди. Чўлпон эса шоирона қалб эгаси: ўзига кимдир дўст, кимдир душман бўлишини ҳам ҳисобга олмасдан, кўнглидан кечган ҳар бир туйғуни, у ҳукуматга ёқади ёки ёқмайди, деб йўламасдан, курашчанлигини намойиш этди... Одамзодни авторитартизимда, жоҳил ва бадбин одамлар раҳбарлигидаги яшашга мажбур қилишмаса, унга эркинлик берилса, жамият ҳам, инсон ҳам тез ривожланарди. Афсуски, қадим туронда кўпчилик ҳолларда ҳокимият

шу хил жоҳиллар қўлида қолиб, улар ўзларининг авторитар тизимларини ўрнатиб ҳалқнинг бемалол кун кўришига, озод ва эркин яшашига, мамлакатнинг ривожланишига йўл беришмаган. Деярли барча асрларда шундай бўлган. Чўлпон ўзига хос алам билан, тарих китобларида «бош кесар хонларнинг таърифи» кўплигини айтгани бежиз эмас. Аммо тарихда бу хонлардан яхши ном қолмади, Чўлпон ва у сингари ҳалқига фидойларча хизмат қилиб, унинг озодлиги ва ҳурулиги йўлида курашиб, етук асрлар ижод қилганларнинг номи эса эзгулик мисол порлав туребди.

**Ботир НОРБОЙ.**

**Филология фанлари доктори.**

**Таҳририят изоҳи: мақола тил ва адабиёт ўқитувчилари га қўшимча адабиёт сифатида чоп этилмоқда.**

## Туркий бирлигимизни куйлаган шоир...

Хозир ҳоҳлаган бир ўзбекка «Сени миллатинг турк» десангиз у албатта сизни ақлдан озган кишига чиқариши турган гап. Чунки совет даврида ва ундан кейинги йилларда бизнинг миллатимиз аслида турклиги, ўзбеклар ўша турк миллатининг бир бўлгаги эканлиги ҳақида ҳалқа тушинтирилмади. Бундай ғоя ўқув дарслерларига кирилмади.

Миллат қачон миллат сифатида шаклланади? Қачонки ўз ўтмиш тарихини билса, ижтимоий, мъянавий, руҳий томондан эркин бўлса! Ватанинг манфаатини ўз шахсий манфаатидан устун кўя олиш даражасига етсагина буюк ва муқаддас миллат бўлиб шаклланиши мукарар...

Кўлимда Мөхмедин Юрдақулнинг «Эй, Турк уйғон» номи остида «Ёзувчи» нашриёти томонидан 1997-йили чоп этилган китоби турибди. Бу китобни менга ёзувчи Мамадали Маҳмудов совға қилиб берар эканлар, «Ўзбекистонлик виждонли журналист Носир Зокирга» деб дастхат ҳам ёзib берган эдилар. Бундай илиқ сўзлар учун у кишидан бир умр миннатдорман.

Усмонлилар империяси ва Мустафо Ота Турк тузган мустақил Туркияда 1889–1944 йиллар давомида яшаб ўтган шоир, ўз миллатини зулмдан озод қилиш учун катта-катта амаллардан ҳам воз кечади. Зеро у катта маош эвазига солик кўмитасида фаолият олиб бораётган эди. Шу билан бирга депутатлик мандатига ҳам эга эди. Бироқ ўз мақсади йўлида барча-барчасидан воз кечди. Зотан шоирликнинг моҳияти шудур. Ўйлаб кўринг, кейинги йигирма йил ичида бирор шахс, у ким бўлишидан қатъий назар ўз миллатининг манфаатлари йўлида эгаллаб турган мартабасидан, даромад манбаидан воз кечдими?

**Бир олиминг, бир шоиринг борми, у**

Бу қақшаган, бузғун юртни кузатса?

**Қутқарувчи бармоқлари билан шу**

**Чириётган яраларинг тузатса?** – деб ёзган эди Юрдақул. Юрдақул Туркияга келган Ислом оламининг буюк олимларидан бири Шайх Жамолиддин Афғонийдан таълим олди. Айниқса, Афғонийнинг «Сизда ҳам қачонки ўзини севмаган, ўзидан кечган, фидокор кишилар етишиб чиқса, ўшанда қора кунингиз оқ бўлажак, йиқилган ерингиздан турражаксиз» деган сўзлари шоирга куч ва илҳом бағишлиганди.

Юрдақул ҳам бошқа Турклар сингари Туркистонни ўз ота юрти деб биларди. У Туркистон ҳалқларини ҳам уйғонишга чорлади. Унинг мана бу мисралари ҳали ҳам ўз қадрини йўқотмаган деб биламан:

**Тур, олға бос! Маданият, шараф, шон**

**Ёш-қариси миллий руҳли элники!**

**Эски, Янги, ҳур ва масъуд Туркистон,**

**Бу Осиё, бу истиқбол сеники!**

**Эй қардошлар, уйғонинг,**

**Шу туркликка беринг жон,**

**Куш излагай уяни-**

**Туркларники бу Турон.**

Юрдақулнинг китобидаги шеърларни ўқисангиз қалбингиз озодлик нурларига тўлади. Афсуски бу шеърларнинг барчасини ҳукмнингизга ҳавола этишга имкониятимиз йўқ. Шунинг учун шоирнинг айрим шеърларидан наъмуналар ҳавола этиш билан чекланамиз.

**Зеро мулқдаadolat йўқ, йўқдир ҳуқуқ, ҳурият,**

**Аҳолига зулм кўпдир, алдоқидир ҳуқумат;**

**Ҳар бурчакда темир қўлли истебод,**

**Ҳар бурчакда қоплон тишли жаҳолат,**

**Ҳар бурчакда йўқсиллик, ўлим, даҳшат;**

**Ҳар бурчакда минг ингриши, минг фарёд!..**

**Адолатни ўйлаган бош эзилар, Тенглик дея суйлаган тил кесилар,**

**Хурият деб толпинган қалб-хонидир.**

**Саройлари қассобхона, мактаблари фисқу фасод ўчиғи!**

**Ўрдалари маҳбусхона, масжидлари-айгоқ, жосус ётоги...**

**Ватандошлар! Ҳаққимизdir, ҳур ва масъуд яшамоқ,**

**Нечун асир, мазлум, йўқсил бўлиб қолдик биз бу чоқ?**

**Бу миллатнинг ёзуғи не?.. Бу истебод не демак?..**

**Бир ҳамият кўрсатмасак, Ватан кўлдан кетажак!..**

**Қонларимиз қуридими? Қўлларимиз чўлоқми?**

**Вазифамиз-ҳайвон каби юрмокми?**

**Йўқ! Бу бўлмас! Фидоийлик кўйлагини кияйлик,**

**Бор товуш-ла «Қомусимиз ёхуд ўлим» деяйлик!**

**Хурриятнинг байробини очайлик,**

**Золимларнинг қаршисига чиқайлик,**

**Истебодни таг-тубидан икайлик,**

**Бу йўлда ўз қонимизни сочайлик!**

Бу шеърлар 1909-йили ёзилган. 1876-йили ноқонуний йўл билан ҳокимиятга келган сulton Абдулҳамид иккинчи кўп золим бўлган. 1909-йилги ўзгаришдан кейин таҳтдан туширилган; ўз ҳалқига зулм қилган, юртни ярим мустамлака ҳолига келтирган сultonнинг ўзи ҳам маҳбусликда ўлган. Ҳа, золимларнинг тақдири доимо шундай тугайди. Оллоҳ насиб этса кейинчалик Мехмет Юрдақулнинг бошқа шеърларини ҳам ҳукмнингизга ҳавола этиб борармиз

**Носир Зокир**

**Бу дунёning саҳролари**

**Бу дунёning адирлари**

**Боғлар босган маъволари**

**Турк ерлари, турк ерлари.**

**Оламнинг бор тоги, кубро**

**Аждодимнинг алп эрлари.**

**Улар тиклаб турган само**

**Турк ерлари, турк ерлари.**

**Қора денгиз қора кўзим**

**Мулким -- Қирим, Сибирлари**

**Чексиз шимол дала тузим**

**Турк ерлари, турк ерлари.**

**Атилламан -- Одилхонман**

**Рум мулки, Рум қасрлари**

**Зар ёлли отда олганман**

**Турк ерлари, турк ерлари.**

**Қаранг қайда сурмокда от**

**Йўлбарсдайин Бобурлари.**

**Мен, дер, хоки яйраб бот бот**

**Турк ерлари, турк ерлари.**

**Култегинман қалбим байрок**

**Пойимда Чин ботирлари**

**Қуёш бўлса қайда чироқ**

**Турк ерлари, турк ерлари.**

**Қуролимнинг қини осмон,**

**Чақмоқлардир шамширлари.**

**Оллоҳ гувоҳ ярим жаҳон**

**Турк ерлари, турк ерлари.**

**Қалблар тагин ҳурлашади**

**Фақат Тангридир пирлари.**

**Туркистонга бирлашади**

**Турк ерлари, турк ерлари.**

**2011**

<b

## ҚОЗОҒИСТОНДА ЎЗБЕК ТЕРИМЧИЛАРИ

Жанубий Қозоғистоннинг биргина Мақтаорол туманига мингдан ортиқ ўзбекистонлик теримчи келган.

Бу ҳақда Озодликка, шу туманда яшайдиган қариндошларини кўргани борган жиззахлик Ҳасанбой гапириб берди:

- Мен улар билан гаплашдим. Ўзбекистонда ҳам пахта борку, нега ўз жойларингдан термайсизлар, деб сўрасам, бизда ер кам, кейин теримга жуда кам пул беришади, ўшани ҳам тўлиқ ололмайсиз, дейиши. Улар асосан водийликлар экан,- дейди Ҳасанбой.

Унинг айтишича, у меҳмонликка борган кишлодка 300дан ортиқ ўзбекистонлик теримчи бор.

Мақтаорол туманидаги хусусий ер эгаларидан бири, 10 гектар ерда пахтакорлик қилаётган Абдураҳмоннинг айтишича, у собик итифоқ даврида Жиззахнинг Фориш туманидан кўчиб келган. Абдураҳмон ўзбекистонлик теримчилардан жуда хурсанд эканлигини айтди:



- Масалан, менинг 10 гектар ерим бўлса, теримга ўнта ёрдамчи оламан. Улар ўзбекистонлик, ҳар иили келадиган одамлар. Ана шу ўн одам 10 гектарни айланиб теришаверади. Ҳар бир килограмм пахтасига 15 тангадан пул тўлайман. Бу 10 АҚШ центи бўлади, яъни ўзбек сўмида 300 сўмдан кўп. Пахта ҳам яхши теримчилар ҳам яхши. Ҳар бир теримчи кунига 80-100 килограммдан пахта теряпти,- дейди Абдураҳмон.

Ер эгасига кўра, ўзбекистонлик теримчиларнинг еб-ичиши, ётар жойи ҳаммаси унинг зиммасида:

- Ана шу ўн одамни ўз уйимга жойлаштирганман. Биз нима есак улар шу нарсани ейди. Ўзимиздан кам кўрмаймиз. Пулини нақд килограммига қараб тўлайман,-

## Мусулмон севгиси

*Пайгамбаримиз Мұхаммад алайхиссаломнинг қилган газотларидан бири тугагач, бир мусулмон хотин ярадорларни излаб топмоқчи бўлди: ўликлар орасига кирди. У ён-бу ённи излар чогда “Оҳ... сув!..” деган бир товуши эшилди. Бир ярадор мусулмоннинг сувдонини кўрди.*

*Озроқ сув топиб шу ярадорнинг олдига келди. Бошини астагина кўтариб, сувни ичтирмоқчи бўлди. Ярадор мусулмон дудогини сувга еткузар чогда бошка ёқдан “Оҳ... сув!..” деган ўзга бир товуши келди. Ярадор сув келтирган хотинга дедики:*

- Бу сувни мендан бурун шу товуши эгасига элтиб бер. Бир йўлдошим яраланиб сувсаб ётар экан, мен ичолмайман.

*Хотин сувни иккинчи ярадорга олиб борди. У ҳам сувни ичайин деб турган чогида “Оҳ... сув!..” деган яна бир товуши эшилди, хотинга дедики:*

- Шу йўлдошим сувсиз экан, мен ичолмайман, бер сувингни шунга.

*Хотин сувни учинчи ярадорга етказди. У сувни ичаётганде биринчи ярадорнинг “Оҳ... ўлдим... сувсизликдан” деган товуши келди. Бу ҳам хотинга:*

- Сувингни мендан бурун шу товуши эгасига бер! – деди ва ўзи ичмади.

*Хотин яна қайтиб биринчи ярадорнинг олдига келса, бечоранинг ўлиб ётганини кўрди. Иккинчи ярадорнинг олдига борди, у ҳам ўлиб ётган экан. Учинчи ярадор ҳам сувсизликдан ўлиб қолмасин дея югуриб кетди:*

- Эй, воҳ!.. Бу ҳам ўлиб қолибди! – деб сувни тўқди.

*Мусулмонларнинг ўлим чогида ҳам бир-бирларини қанчалик севишларини ўйлаб кўз ёши қилди.*



дейди Абдраҳмон.

Унинг айтишича, Қозоғистонга келган теримчиларни полиция рўйхатидан ўтказиш, уларни божхонадан кутиб олиб, кузатиб кўйиш ҳам ер эгаларининг зиммасида.

- Ўзбекистонликлар чегардан ўтганидан кейин бир ойлик рухсат берилади. Бир ойдан сўнг кетамиз дейиши, ёки уйдагиларни соғиндим, бориб келай дейиши, пулларини бериб ўзимиз кузатиб кўямиз,- дейди Абдураҳмон.

Сұхбат асносида қозоғистонлик ер эгасидан “нега сизларда терим учун нарх Ўзбекистонга нисбатан икки баравар қиммат, бу ўзини оқлайдими, деб сўрадик:

- Биз яхши даромад оляпмизки, уйлар соляпмиз, мошиналар оляпмиз. Бизнинг ерларимиз хусусий. Хоҳлаган экинимизни экамиз, лекин пахтани кўпроқ экамиз, чунки яхши фойда оламиз. Давлат бизни арzon нархдаги ёнилги ва минерал ўғитлар билан таъминлайди. Ҳар иили давлат бизга субсидия беради. Масалан, бу ийл ҳар гектар ер учун 12 минг тангадан (80 АҚШ доллари) субсидия берди. Пахтамизни эса фирмаларга аукционда сотамиз.

Биз Жиззах вилояти билан кўшнимиз. Ўзбекистонлик фермерлар билан гаплашиб тураман, улар пахта режасини бажарган тақдирда ҳам кўп пайтлари давлатдан қарздор бўлиб қолишаркан. Мен эса бунга ҳайрон қоламан,- дейди қозоғистонлик ер эгаси Абдураҳмон.

Садриддин Ашур

## Туркий халқларнинг бугуни, эртаси ва ягона Туркистон фояси

парчалангандан кейин Афғонистон худудида қолиб кетишганми ёки кейинчалик кўчиб келишганми ва ё бошка сабаблар биланми?” дебяпти

**Иноятулла Шаҳроний:** Укажон, Афғонистон Туркистоннинг энг қадимий марказларидан бири. У ерда турклар қадим-қадимлардан яшашади. Кейин кўчиб келганлар йўқ. Амир Тимур келган пайтда Афғонистонда турклар ва мўгуллар хукмронлик қилишарди. Амир Тимур 700-800 ийл олдин эди, Афғонистонда икки минг ийл олдин ҳам турклар хукмронлик қилишган. Кўшонийлар эдилар, Тегинлар эдилар, Кобул Шоҳлар эдилар, Гурийлар эдилар, Фазнавийлар эдилар,.. Афғонистон турклар тамаддуни марказларидан бири бўлади. Амир Тимурнинг ҳам авлодлари бор. Ҳиротда. Чунки у ерда 100 ийл хукмронлик қилишган, ўша ерда хешу қавмлари бор.

**Би-би-си:** Фирдавс яна, “Бобомиз Заҳиридин Мұхаммад Бобурни бошқалар мўғул ва мўгуллар сулоласидан деб аташади. Бунга етарлича сабаблар борми? Мактаб ва институтда, китобларда ҳам Бобур мўғул эмас, ўзбек бўлган деб ёзилган-ку. Бошқалар уни нега мўғул деб аташади”, деб кизиккан

**Иноятулла Шаҳроний:** Мен буни комилан биламан. Ўзбекистонга ҳам, Хиндистонга ҳам борганимда, баёния бериб, буни рад килдим. Бобур турк, Барлос қавмидан, Амир Тимур авлоди. Афғонистонда туркларнинг нуфусини пасайтириш учун атайдан уни мўғул, деб аташади. Бу ноҳақ. Бу гаплар нотўғри. Сўзиз, мўғуллар билан қони қўшилган. Аммо отаси турк, ҳамма хешу қавмлари турк. Тоифаси турк. Амир Тимур ўзи турк.

**Би-би-си:** Фирдавс энг сўнггида, “Хозирда Афғонистонда яшаётган ўзбекларнинг таълим олиш, сиёсатда тутган ўринлари, иқтисод ва бошка соҳалардаги ахволлари ҳақида нима биласиз? Уларнинг ҳозирги ахволлари оддийгинами ёки қанчалик ёмон”, деб сўраган

**Иноятулла Шаҳроний:** Турклар қадим-қадимдан иқтисодда яхши бўлиб келишган. Заҳматкашлар. Гиламдўзликлари бор, коракўл, зироатлари бор, булар яхши. Аммо ўтган икки асрдан буён ҳукумат томонидан ўзбекларга хеч бир ёрдам берилгани йўқ. Уларнинг таълим олишларига кўмак берилгани йўқ. Ўзбекларнинг орасида иқтисодчимиз йўқ, буюқ, буюқ олимларимиз йўқ, хорижда ўқийдиганлар жуда оз. Биз Афғонистонда кўп маҳрумиятлар кўрганмиз, лекин шунга қарамай, ҳаммамиз Афғонистонни яхши кўрамиз.

**Би-би-си:** Сұхбатимиз яқунида яна Буюк Британиядан Тимурнинг саволларига қайтсан. У киши, менимча, федерализмга оид мақолангиздан келиб чиқиб, “Афғонистон келажагида федерализм ёки парчаланиши кўрасизми”, деб сўраган

**Би-би-си:** Паштунлар етакчилик қилувчи ҳукумат курдатда экан, улар федерализм фоясини қабул қилишмайди. Чунки Туркистон кўп бой мамлакат. Вилоятлари бор, ҳамма нарсаси бор. Вактики федерализм бўлса, улар ўзларининг ҳуқуқларини ололадилар. Ва бошқалар очроқ қолишади. Аммо паштунларда сарзамин йўқки, қишлоқ хўжалиги билан шуғулланишса, тижорат қилишса, баъзи нарсалари йўқ... Икки ярим асрдан буён ҳокимият уларнинг кўлларида, уни осонлик билан бериб қўйиши исташмайди. Вактики федерализм бўлса, тенглик бўлади, адолат бўлади ва шахсий манфаатлар ўртадан кетади. Шунинг учун ҳам улар федерализм фоясини қабул қилишмайди.

**Би-би-си:** Аммо ахолисининг миллий келиб чиқишига қараб, келажакда Афғонистоннинг парчаланиб кетиши эҳтимоли қанчалик?

**Иноятулла Шаҳроний:** Афғонистоннинг шимол ва жанубга ажralиб кетиши эҳтимоли бор. Агар паштунлар Покистонга қўшилишни исташса ёки мустақил бўлгудек бўлишса, шундай бўлиши мумкин. Аммо бунинг эҳтимоли жудаям кам. Афғонистон шу ҳолатда қолади. Вазият эса, аввалгисидан ҳам ёмонроқ бўлади, деб кўрқаман. Урушлар кўп бўлади. Ва ёрдам бериши учун дунёга ҳам имкон бермайди...

(сұхбат кискартириб босилди)

[bbc.co.uk/uzbek](http://bbc.co.uk/uzbek)

## ҚАНГЛИЛАР КИМЛАР ЭДИ?

Марказий Осиё мамлакатлари худудида ташкил топган қадимий давлатлардан бири Қанглилар давлатидир. Қанглилар Марказий Осиёда антик даврнинг ўрталарида вужудга келган илк маҳаллий туркийзабон қатламни ташкил қилган. Сирдарё соҳилларида икки тилга (эрон ва турк) мансуб ва ўзига хос (ўтроқ дехкончилик ва чорвачилик) маданиятига эга бўлган этнослар яшаган ва бир-бирлари билан яқин иктисодий ва маданий алокада бўлиб келган. Сирдарёнинг ўрта оқимида, Зарафшон воҳасида дехкончилик, хунармандчилик ва савдо-сотиқ билан шугулланниб келган сўғдийлар, ўтроклашиб қолган сакларнинг маданияти яни туб ерли аҳоли маданияти шу худудларга келиб ўрнашган чорвадор кўчманчи халқлар маданияти билан аралашиб боради. Натижада бир-бири билан коришиб кетиши туфайли ўзига хос маданият ҳосил бўлади.

Бинобарин, форсийзабон сўғдийлар билан Сирдарё соҳилларига ва Мовароуннахр минтақаларига, Хоразм ўлкасига келиб ўрнашган туркий этносларнинг қўшилиб, қоришиб кетишлиари натижасида қанг давлатида туркийзабон этнослар устуворлик қилган. Фанда Милоддан олдинги IV-I асрларда Тангритонгнинг шимоли-шарқида

яшовчи уйсунларнинг баъзи гуруҳлари ва Шимолий Хитойда, Жанубий Сибирда ва Жўнгорияда жойлашган туркий қабилаларнинг айрим гуруҳлари ҳам Туркистан худудларига кўчиб қелганлиги ҳакида фаразлар бор. Хуллас, бу давлат милоддан олдинги III асрларда Сирдарёнинг ўрта оқимларидаташкил топган ва V аср ўрталаригача ўз ҳукмонлигини саклаб қелганлиги аниқ. Милодий I-II асрларда Туб ерли аҳоли билан кўчманчи қабилалар маданиятининг қўшилиши буғунга кадар ҳозирги Қозогистон ва Ўзбекистон худудларидан топилган археологик ашёлар ҳам буна тасдиқлайди.

Археологлар бу маданиятини қангюй ёки қовунчи маданиятини деб атаганлар. Ҳозиргача ҳам, Тошкентнинг шундок ёнида Қовунчи кишлоги борлиги бежиз бўлмаса керак. Милодий I-II асрларда Қанг давлати жуда катта худудга (Зарафшон воҳаси, Қашқадарёнинг юкори оқимлари, Хоразм, Орол деңгизининг жанубий, жануби-шарқий ва шимолидаги чўлларидан то ўрол тоғолди митнақаларигача) эгалик қиласа келиб ўрнашган. Аммо Қанг давлатининг асосий ҳудуди Сирдарёнинг ўрта оқимлари ва унга туташ бўлган Шош воҳаси, ҳозирги Қозогистоннинг жануби-шарқий кисмидаги Чимкент ва Тулкибос худудлари бўлган.

Муҳаммад САЙД.  
Профессор.

## ҲАЗРАТ АЛИЙНИНГ СОВУТИ

Ҳазрат Алийнинг совутини ўғирлаб олган яхудий воқеасини кўпчилигингиз эшитган чиқарсиз. Алий яхудий билан биргамусулмон қози олдида даъволашиб турдилар. Қози амирул-мўъминийндан нима даъвоси борлигини сўради. Ҳазрат Алий: «Мана бу совут менини, уни сотмаганман, ҳадя ҳам қилмаганман», дедилар. Қози Шурайх яхудийдан: «Хўш, сен нима дейсан?», деб сўради. Яхудий сурбетлик ва айёрлик билан: «Совут менини, амирул-муъминийни ёлғончи деб билмайман», деб жавоб берди. Шурайх Алийдан: «Далил-исботинг борми?», деб сўрайди. Алий: «Йўқ, ҳеч қандай далил-исботим йўқ», дедилар. Шунда қози даъвогарда – яни амирул-муъминийн Алийда – етарли далил-исбот бўлмагани учун совутни яхудийга ҳуқм қилди! Яхудий совутни кўтариб бораракан, ўзига ўзи сўзларди: «Амирул-мўъминийн менинг устимдан ўзининг қозисига шикоят қиласа-ю, қози унинг зиёнига ҳуқм чиқарса?! Аллоҳга қасамки, бу шак-шубҳасиз, пайғамбарлар ахлоқидир!». Кейин у ҳазрат Алий ҳузурларга келиб: «Эй амирул-мўъминийн! Совут ҳақиқатан сизники эди, уни мен туянгиздан тушиб қолганида олгандим. Мен сизнинг олдингизда «Ла илаҳа иллаloh, Мухаммадун расулуллоҳ» деб гувоҳлик бераман», деди.

Журъат қилган», дейдилар. Кейин Амрга юзланиб, мана бу машхур сўзларини айтадилар: «Эй Амр, қачон сизлар одамларни қул килиб олдингиз, оналари уларни озод туккан эди-ку?!». Сизлар Салоҳуддин Айюбийнинг салибчиларга қарши қандай жанглар олиб борганини яхши биласиз. Бироқ, яна бир нарсани, Салоҳуддин Ҳиттийн жангиде салибчиларни мағлуб этган кезларида Исломнинг энг ашаддий душманлари бўлмиш салибчиларга исломий ахлоқнинг амалий намунасини тақдим этганини, у ўзининг ашаддий душмани Ричард Шерюракнинг бетоб эканини, керакли доридармонлари йўклигини эшишиб, уни даволаш учун ўзининг хос табиини ва бунинг учун зарур дори-дармонларни юборганини биласизми?! Муҳаммад Фотих Константинополни (Истамбулни) фатҳ қилиб, Аё София соборига кирган куни мусулмон бўлмаганларга нисбатан исломий бағрикенглик намуналаридан яна бир гўзал намунани кўрсатиб, ундан барча насронийларнинг жону молларига омонлик берганини, уларга ҳеч қандай азият етказмаганини биласизми?! Тарих ҳануз бу воқеа қарисида хурмат-эхтиром билан бош эгади.

«Замондош» сайтидан олинди

**Ҳамкоримиз, шоиримиз Баҳодир Оташга ва барча яқинларига**  
**«Туркистан тонги», “Тўркістан таны” газеталари таҳририяти номидан**  
**Волидаи муҳтарамалари**  
**МАҲБУБА АЯ МУТАЛОВАнинг**  
**вафотлари муносабати билан чукур таъзиямизни изхор қиламиз.**

## КОЗОҚ ТИЛИНИ ЎРГАНАМИЗ

**АДВОКАТ** корғаушы

**АДИБ** жазушы, шығармашы, қаламгер.

**АДИБЛИК** жазушылық, жазушылық мамандығы; адабилик маҳорати жазушылық шеберлігі

**АДИП** әдіп, киімнің етек-жөніне, айналасына жиектеп салынған шүберек немесе басқа зат; **тұннинг адипи** шапанның әдіпі

**АДИПЛАМОҚ** әдіpteу, жиектеу.

**АДИР** төбе, дала

**АДЛ** әділдік, әділеттілік, туралық.

**АДЛИЯ** әділет; **адлия вазирлиги** әділет министрлігі.

**АДО:** адо этмоқ орындау, атқару; **адо қилмоқ** аяқтау, бітіру; **адоги йўқ** шексіз.

**АДОВАТ** жаулық, дүшпандық,

**АДОВАТЛИ** жау, дүшпан, қасқунем.

**АДОВАТЧИ** қасқунем, кекшіл

**АДОЛАТ** әділет, әділдік, туралық.

**АДОЛАТЛИ** әділ, әділетті, тура.

**АДОЛАТЛИЛИК** әділдік, әділеттілік.

**АДОЛАТПАРВАР** әділ, әділетті жақтаушы, турашыл.

**АДОЛАТПАРВАРЛИК** әділеттілік, әділдік, туралық; **адолатпарварлик билан** әділетті түрде.

**АДОЛАТСИЗ** әділетсіз; **адолатсиз уруш** әділетсіз соғыс

**АДОЛАТСИЗЛИК** әділетсіздік

**АДРЕС** адрес, мекен жай.

**АЁВ** 1. аяушылық. 2. аяу

**АЁВСИЗ** қатты, қатығездікпен

**АЁЗ** аяз, суық; **аёзли** аязды, суық.

**АЁЛ** 1. эйел. 2. эйел, зайып.

**АЁЛЛИК** әйелдік; **аёллик фазилати** әйелдік қасиеті.

**АЁЛМАНД** үйлі-баранды, бала-шағалы, отбасылы.

**АЁМАЖУЗ** қыстың сонғы күндері.

**АЁН** аян, белгілі, ашық; **аён бўлмоқ** аян болу; **аён қилмоқ** білдіру; **аён этмоқ** жариялау, хабарландыру.

**АЁҚ** аяқ, ыдыс-аяқ.

**АЖАБ** оғаш, таң қаларлық.

**АЖАБЛАНАРЛИ** таң қаларлық, тамаша.

**АЖАБЛАНИШ** таңдану, ғажантану.

**АЖАБЛАНМОҚ** таңдану, ғажантану, таң қалу.

**АЖАБЛАНТИРМОҚ** таң қалдыру, таңдандыру.

**АЖАБО** ғажап, тамаша.

**АЖАБСИНМОҚ** таңдану, таң қалу.

**АЖАБТОВУР** әжептәүір.

**АЖАЛ** ажал, өлім, қаза.

**АЖАЛЛИ** ажалды, өлтіретін.

**АЖАЛСИЗ** ажалсыз, өлмейтін.

**АЖАМ** арабтардан басқа халықтар.

**АЖДАР** айдаһар, аждана.

**АЖДАРХО** айдаһар, аждана.

**АЖДОД** ата-баба; **аждодлар мероси** аталар мұрасы.

**АЖИБ** тамаша, керемет, ғажап.

**АЖИ-БУЖИ** сыйма-сызық; **ажи-бужи ёзу** сыйма-сызық жазу.

**АЖИН** әжім, қатпар; **ажиндор** терең әжімді, қатпарлы.

**АЖНАБИЙ** шет елдік; **ажнабий меҳмонлар** шет елдік қонақтар.

**АЖОЙИБ** ғажайып, ғажап, тамаша, керемет.

**АЖОЙИБОТ** таң қаларлық, ғажайып.

**АЖОЙИБХОНА** мұражай

**АЖР** кит. марапат, сыйлық.

Лугат мұаллифи Долимжон. САЙФУЛЛАЕВ.

## Латифалар



Одамхўрлар американалик, француз ва ўзбек мардикорини тутиб олишди. Уларнинг каттаси ўлжаларни кўздан кечирад экан, шундай деди:

- Манави американликни тушликка еймиз.
- Французни кечки овқатга асраб қўямиз.
- Ўзбек мардикорини чи?
- Уни қўйиб юборамиз.
- Нега?
- Кўрмаяпсанми, озғинлигини. Фирт суюк-ку!

—о—о—о—

Йигирма беш йилдан сўнг собиқ синфдошлар иғилишиди. Кексайиб қолган муалима собиқ ўқувчиларига бирма-бир қараб чиқар экан, деди:

- Ойшаҳон, сен ёшлигингда адабиётга қизиқардинг. Сени тез-тез телевизор орқали кўриб тураман. Яхши актёр бўлибсан.
- Сен, Болтавой яхши олим бўлибсан. Мактабдаям яхши ўқирдинг.
- Вой, Тошмат, сенга генерал кийими ярашаркан. Мактабда кўпроқ спортга қизиқардинг.
- Содиржон сен бўлсанг ёшлигингда доим «Хўп бўлади», «Ҳеч нарсани кўрганим йўқ», «Ҳеч нарсани билмайман», «Эшитганим йўқ» деяверардинг. Қандай қилиб ҳоким бўлиб қолдинг? Айтиб бера оласанми?
- Хўп бўлади. Ҳозир ҳам ҳеч нарсани кўрганим йўқ, ҳеч нарсани эшитганим йўқ. Ҳеч нарсани билмайман.

Қора олма қишлоғи Сузоқ туманининг энг кўркм жойларидан бири. Деярли ёнғозор. Ҳавоси тоза. Сайлов куни шу қишлоқ клу-бидаги томоша бердик. Одам кўп, тирбанд бўлиб кетган. Контролда Тўлан ака турарди. Бир ширакайф кирғиз йигит келиб полвонга дўқ қилди:

Шу одамларнинг барини билетсиз киргизасан! Бизда план бор, гап тегади, ука.

Гап-пап билан ишим йўқ. Эшик олдида турма, бу бизнинг эшик.

Қарасам, иш жанжалга айланадиган.

Югуриб келдим:

—Тўлан ака, Сиз зинадан пастга туринг, иш бор, — дедим.

Бадмост йигитга, нима жанжал, буларнинг бошлиги мен бўламан, — дедим.

Сен бўлсанг, ўзингнинг клубинг қани, эшигинг қани, бу бизларники, Турдибой оға ишлаган буларни, — деб туриб олди у.

Хў, биродар, биз Тошкентдан келганмиз, сизларга томоша бермоқчимиз, энг машхур полвон келган.

Бир киши тўти сотиб олдида, унга гапиришни ўргата бошлади.

- Тўтивой нима десам, шуни қайтаравер. Хўпми? Бошладик.

- Мени гапиришни биламан.
- Мен гапиришни биламан.
- Мен сув ичаман.
- Мен сув ичаман.
- Яшаш қандай яхши-я!
- Яшаш қандай яхши-я!
- Юртимизда демократия.
- Ёлғон гапирманг, хўжайин.

—о—о—о—

Бир беморни шифохонага олиб келишиди. У тиржайганича қотиб қолган эди.

Шифокор беморнинг отасидан нима бўлганини сўради. Беморнинг отаси деди:

- Туппа-тузук юрувди. Кеча кечқурун бирданига свет ёниб кетса бўладими. Ўғлим, лампочкага қараб, «Ия!» деди-да, тиржайганича қотиб қолди.

—о—о—о—

Бир мактабга марказдан комиссия келиб, ўқувчи ва ўқитувчилар иштироқида мажлис ўтказилди. Мактаб директори сўз олиб, ҳукуматнинг кўрсататётган ғамхўрликларини, вилоят ҳокимлигининг муруватларини, мактабни ривожланган Мамлакатлардаги ўқув даргоҳлари билан тенглashingириб, шунаңги мақтанибдик... Охири ўқувчилардан бири туриб, шундай дебди:

- Домла, сиз айтган мактабда бизнинг ҳам ўқигимиз келяпти.

Икки киши, ҳаёт қийинчиликларидан гаплашиб ўтиришибди.

- Ошна.

- Ҳа,

- Ўйлаб-ўйлаб, совет ҳокимиятини асл мақсадини энди тушундим.

- Ие, мақсади нима экан?

- Бу ифлослар, нонни ўн тийин, гўштни икки сўм қилиб қўйиб, бизни бўқтириб ўлдирмоқчи бўлган экан.

—о—о—о—

Мактабларидан бирида олийгоҳни янги битириб келган тарих фани ўқитувчиси, ўқувчиларга шундай савол билан мурожаат қилди:

- Қани айтинглар-чи, болалар, Бастилияни ким олган? Носиров.

- Билмайман.

- Ортиқов.

- Билмайман.

- Ҳакимов.

- Билмайман.

Муалима хуноб бўлиб, кўзида ёш билан директорга шикоят қилди.

- Раҳим Қулматович! Ўқувчилардан биротаси ҳам Бастилияни ким олганини айтмаяпти. Шунақаям саводсиз болалар бўладими?

- Майли. Қўп хуноб бўлманг. Олишган бўлса, ўйнаб - ўйнаб қайтариб беришади. Беришмаса, пул йиғиб янгисини олиб берамиз.

тўпловчи Зокир Н.  
Наманганд

## ДОНОЛАР СЎЗЛАЙДИ...

### Ҳокимият оғир-босиқларга дахлдордир.

(Максимлиян Робеспьер)

\* \* \*

Ҳокимият ҳамиша қўлдан қўлга ўтади, аммо бошдан бошга ўтмайди.

(Станислав Ежи Лец)

\* \* \*

Бошқариш санъатининг бор-йўғи ҳалол бўлиш санъатидан иборатдир.

(Томас Жеферсон)

\* \* \*

Ҳар бир ҳалқ ўз ҳукуматига муносабидир.

(Жозеф де Местр)

\* \* \*

Сиз сиёsat билан шуғулланмаслигингиз

мумкин, аммо сиёsat сиз билан шуғулланиб ётибди. Анчадан буён.

(Шарл Монталамбер)

\* \* \*

Юқори лавозим бизга шундай ёвуз ва бузғунчи таъсир ўтказадики, энди бу юксак лавозимдан кетишга ҳам ҳолимиз келмай қолади.

(Жорж Галифакс)

\* \* \*

Ҳокимиятга кўтарилиган дўст - ўқотилган дўстдир.

(Хенри Брукс Адамс)

Карим БАҲРИЕВ  
таржимаси.

“ЖОН ОҒА, КЕЧИРИНГ!”

—Бизнинг Турдибой ҳам машхур полвон, косада арак ичади.

Бу йигитга гап тушунтириб бўлмади. Аста белидан тутиб кўтардим-да, Тўланбой ака томонга отиб юбордим. Устоз енгилгина ушлаб олди-да, баланд кўтариб, мен томонга отмоқидай бўлиб, кирғиз йигитга қаради.

—Сен тагин арак ичасанми, ё бира тўла хў токка қараб улоқтирайми?

Йигитнинг кўзлари ола-кула бўлиб кетди. Кайфи тарқаб, типирчилаб қолди.

—Бўлди, жон оға, мен билмабман, кечиринг, — деб ялина бошлади.

Устоз уни қўйиб юборди, менга қараб хитоб килди:

Айтмовдимми, буларнинг тилини тушунтириб юрасиз, деб. Бу бошланиши хали. У мийигида кулиб кўйди.

Раҳимтой БЕГАЛИЕВ

ТУРКИСТОН  
ТОНГИ



### Ижтимоий-сиёсий, илмий, адабий - публицистик газета

Бош муҳаррир:  
**С.Байдуллаев.**

Муҳаррир ўринбосари:  
**Б.Норбоев.**

Дизайн:  
**У. Курбонтоев.**

**ОБУНА ИНДЕКСИ: 64502**

Таҳририят манзили: Чимкент шаҳри, Интимоқ микрорайони, 1-уч. Тел.: 8(7252)292587.

Мулк эгаси: Якка тадбиркор «С.Байдуллаев».

Қозогистон Республикасининг Алоқа ва ахборот вазирлиги, Ахборот ва архив кўмитаси, даврий босма нашрларни ва Ахборот агентликлари ни рўйхатга олиш тўғрисидаги 12310 - Г сонли, 2 февраль 2012 йилда берилган гувоҳномага асосан босилмоқда.

Адади: 2000 дона. «M-prees» босмахонаси (Байтурсунов-18) да чоп этилди. Буюртма №.

Таралиш худуди: Қозогистон Республикаси.

Газета бир ойда бир марта нашр этилади.

1. Муаллифларнинг фикри газета таҳририяти аъзолари фикри билан айнан бўлмаслиги мумкин.

2. Барча муаллифлик ҳукуклари Қозогистон Республикаси конунлари билан ҳимояланган.

3. Газетанинг асосий мақсади миллатлараро муносабатларни мувофиқлаштиришдир. «Туркистон тонги»да миллатлараро дўстликка раҳна соладиган мақолаларга ўрин берилмайди.

4. Ўқувчиларимиз маънавияти бойлигини ҳисобга олиб, сахифалардан ножо жойларда фойдаланмаслигига умид қиласиз.

5. Газетадан олинган мақолалар ёки иқтибослар «Туркистон тонги»дан олинганлиги кўрсатилиши лозим.